

**ЎЗБЕКИСТОИ РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОИ ДАВЛАТ ЖАҲОИ ТИЛЛАРИ УИИВЕРСИТЕТИ

РОМАН GERMAN ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ФРАИЦУЗ ТИЛИ ИАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ

**“РОМАН ВА GERMAN TИЛШУНОСЛИГИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНН МАТЕРИАЛЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

4 ИЮЛЬ 2020 ЙИЛ

ТОШКЕИТ – 2020

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-ф-сонли Фармойиши асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 116-сонли буйругида белгиланган қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси томонидан 2020 йил 4 июль куни “**Роман ва герман тилшунослигининг долзарб масалалари**” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилмоқда.

Ушбу тўпламга илмий конференция қатнашчилари, республика ОТМ профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари ва тадқиқотчилар ҳамда магистрларнинг илмий мақолалари киритилган.

Масъул муҳаррирлар:

ф.ф.д., профессор Ж.А. Якубов
ф.ф.н., доцент П.П. Иишонов

Тахририят аъзолари:

ф.ф.н., доцент М.У. Убайдуллаев
ф.ф.н., доцент Ҳ.Р. Рахимов
ф.ф.н., доцент Т.Ж. Олтиев
Катта ўқитувчи З.Б. Давронова
Катта ўқитувчи Ғ.Т. Машарибов

Такризчилар:

ф.ф.д., профессор А.Э. Маматов (ЎЗМУ)
ф.ф.н., доцент И.Сувонова (СамДЧТИ)

Дизайнер: доцент С. Исматов

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг савияси, сифати ва илмий далилларнинг ҳаққонийлиги ҳамда мазмуни учун муаллифлар масъулдирлар.

АЛББЕР КАМЮННИНГ СИЗИФ ОБРАЗИДА АБСУРД ҲИССИИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИИ

Асадов М.Т.

ТошДЎТАУ докторант

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб Фарбий Европа адабиётида инсоннинг моҳиятини чуқур ўрганиш, яшашнинг маъносини англаш каби мураккаб ва ноанъанавий тасаввурлар кенгайди. Натижада инсоннинг мураккаб руҳиятига мос равишда бадиий тафаккурнинг ифода услублари ҳам мураккаблашди, адабиёт ўзининг янги маъносини касб эта бошлади. Том маънодаги ҳақиқий адабиёт энди бевосита ўқувчилар талаби билан эмас, балки янги даврнинг тафаккур талабларидан келиб чиқиб, инсон ва унинг ботинини чуқур таҳлил қилишга киришди. [1,109] Бу талаб модернизм, постмодернизм, экзистенциализм, абсурд каби инсон ботинини таҳлил қилувчи кўплаб янги адабий оқимларнинг дастлаб француз адабиётида пайдо бўлишига, кейинчалик бутун Европада тараққий топишига олиб келди.

Экзистенциализмнинг асосий тамойилларидан бири – дунёнинг абсурдлик концепцияси, яъни инсон ҳаётининг абсурдлигидир. Экзистенциализм мафтункор ғояни илгари суради – шахс кадр-қимматга эга, лекин таълимотнинг умумий концепциясида ҳеч қандай қимматга эга эмас, унинг ҳаёти бу – абсурддир [2,174]. Демак, экзистенциализм ўз номи билан мавжудлик ҳақидаги таълимот эканлигидан келиб чиқилса, инсон борлиқ кўйида шунчаки мавжуд, холос. Инсон бу дунёда ўзига берилган яшаш имкониятидан фойдалана олади. Туғилиш ва ўлиш эса Яратганнинг ҳукмида. Аммо яшашнинг муҳим шарти шуки, инсон ўз аслига интилиб яшай олса, сўнгги манзилга қўрқувсиз ета олади. Бу фикримизни экзистенциализмнинг асосчиларидан бири Жан-Поль Сартр (Jean-

Paul Sartre)нинг ушбу ихтибоси билан мустаҳкамлаймиз: “Ҳаёт далилсиз моҳиятга эга эмас. Инсон ўз ҳаётини яшамагунча у ҳеч қандай маънони англамайди, у ўз ҳаётига ўзи моҳият бағишлаши керак бўлади” дея таъкидлайди Сартр [5,17].

Адабиётдаги абсурд тушунчаси башарият миқёсидаги ҳодиса саналади. У инсоният ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар тўқнашувидан вужудга келади. Дунё яралибдики, инсон ўзлигини англашга, комилликка интилишга ҳаракат қилади. Ҳаётнинг шафқатсиз зарбаларини қабул қилиб, у ҳақида фикрлай бошлаганида одамзот ҳаётнинг бемаъни, у фақат машаққатлардан иборат эканлигини тобора англаб боради. Бошқача қилиб айтганда, инсон оламини идрок қилишга интиларкан, ҳаётнинг ибтидоси ва интиҳоси оралиғида сарсон-саргардон кезади. У ҳар қанча яшашга, узок умр кўришга интилмасин қисматида битилган ажал уни муқаррар ҳалок қилади. Унинг ўлимга қарши барча елиб-югуришлари зое кетади. Бунинг яққол мисолини биз Сизиф образида кўришимиз мумкин. Камю инсон ҳаёти бу абсурддир, деганда айнан маша шу жихатни назарда тутган эди. Мулоҳазамаизни файласуф В.Алимасовнинг шундай фикри билан давом эттирмақчимиз: “Ҳаёт инсонлар олдига ҳар дақиқада янги-янги муаммоларни қўядики, киши уларни вазиятга ва ўз ирода кучига қараб ечади... Инсоннинг онгли ва жонли мавжудот эканини кўрсатувчи мезон – унинг хатти-ҳаракатидир” [6,92].

Экзистенциалистлар инсонни умидсизликка тушмасликка чақиради. Инсоннинг эртами кечми барибир бир кун умри тугайдику, унда бу машаққатлару, бесамар урунишларга неҳожат деган киши

ўзини, ўзлигини ва яшашдан мақсадини унутган саналади. Инсон яшаш даврида ўздан яхшиликлар қолдиришга, ҳаётда яхши ном (из) қолдириб яшашга интилади. Бу интилиш эса инсон ўз ҳаётига маъно бағишлаш демакдир.

Камю абсурд инсон деган тушунчага таъриф берар экан, уни ташқи олам ва ўзининг ички олами ўртасидаги зиддиятларига эга, ўзини маълум бир қобик (чегара) билан ўраб олиб, ўзини химоялашга урунувчи одам, дея изоҳлайди. “Сизиф ҳақида афсона” асарининг энг сўнги жумласини эслайлик: *Il faut imaginer Sisyphe heureux* [3:166], яъни *(бизнинг талқинимиздаги таржимага кўра – М.А.) Сизифни бахтли тасаввур қилмоқ керак*. Бу жумлани француз адабиётшунос олими, профессор Жак Колет шундай таърифлайди: “Бу жумлада тўғри ва тескари, сургунлик ва киролик ўртасида туриб, шу замондан, шу оламдан айёрлик билан чиқиб кета олмайдиган ва шунчаки “ўз кунига хўжайин” бўлишни истаган одамнинг бахтга бўлган иштиёқи акс эттирилади” [4:86]. Олимнинг гапидан англашиладики, Сизифдаги бу иштиёқ уни яшашга, ҳаракатланишга мажбур қилади. Унда яшаш ва ўлим, галаба ва маглубият, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги оламда туриб, шу зулмат қаърида туриб ўлимга, инсонни емирилишга ундовчи даъватларга қарши турган исёнкор одамни кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, Сизифга бу бесамар ишга умрбод сафарбар этилган шунчаки бир образ сифатида эмас, балки у олий маъзилга кўз тиккан, мудом улкан мақсад ва умидлар ила яшайдиган, иродаси тошдан-да, метин инсон образи сифатида қараш мумкин. У сира тақдирга тан бермас, у жисман кийноқда бўлса-да, руҳан маъбудлардан юқорида туради. У агар тошни манзилга олиб чиқара олса, биладик, унга шу жазони берган маъбудлардан-да, юқорилайди, улар устидан

галаба қозонган деб ҳисоблайди ўзини. Замонамиз одамлари ҳам Сизиф сингари азоб-уқубатли, ҳар кун, ҳар онда тинмай ҳаракат ва меҳнат қилиш, қайгуриш, азобланишга маҳкум. Демак, қарабмизки, “тақдир тоши” бугун ҳам думалашда давом этмоқда!

Альбер Камю Сизиф образи орқали бизни жамиятнинг шафқатсизлиги ва инсон руҳиятининг ёлғизлигини, инсон ёлғиз қолдирилганда унинг тақдири нима кечиши, руҳий оламида, ботинида нималар рўй беришини кўришга сафарбар қилди. Сизиф ёлғиз, у инсонлардан олисда, инсоний мулоқотдан йироқ, демак у жамиятдан бегоналашган. Бу бегоналашув эса – абсурддир. Камюнинг таъбири билан айтганда, “ёлғизлик – инсонлар ўртасидаги риштанинг даҳшатли даражада узилиши” дир. (Робинзон Крузони бир эслайлик).

Камю бу эссесидаги Сизиф образи орқали инсоннинг ички дунёсини, руҳиятини чуқур таҳлил қилиб, дунё адабиётига абсурднинг ёрқин мисолини кўрсатиб берди. Биз адабиётда абсурд ҳақида гапириб бошлаганимиз ҳаманоқ, унга ёрқин мисол сифатида Сизифни келтирадиган бўлдик. Сизиф ва абсурд бир-биридан ажралмас, ёнма-ён тушунчаларга айланиб қолди. Камю “Сизиф ҳақида афсона” эссеси орқали адабий боқийликка эришди.

Камю ўзини файласуф деб ҳисобламаса-да, у экзистенциализмнинг мутафаккири сифатида эътирофга лойиқдир. Чунки у бир эссеист, романнавис ва драматург сифатида бутун дунё адабиёти тарихида абсурд ҳақида инсонни теран мушоҳадага чорловчи файласуф кабидир.

Камю ўз асарларида абсурд қаҳрамонлари орқали инсоннинг ички дунёсини, руҳиятини чуқур таҳлил қилиб, дунё адабиёти ва бадиий тафаккурда ўчмас из қолдирди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Назар Эшонкул. Ўзини англаётган одам. // “Жаҳон адабиёти” журналы, 2014 йил, 6-сон. – Б. 109.
2. Юрий Б. Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон. // Рус тилидан Динара Эгамбердиева ва Шаҳноза Назарова таржимаси. “Жаҳон адабиёти” журналы, 2011 йил, 5-сон. –Б. 174.
3. Camus, Albert. Le Mythe de Sisyphe. – P.: Gallimard, 1942, p. 166.
4. Colette, Jacques. L’Existentialisme. – Paris: Presses Universitaires de France, 1994. P. 86.
5. Sartre, Jean-Paul. L’existentialisme et un humanism. Nagel, 1946; réédition Gallimard, coll. “Folio essais”, 1996. –p. 17.
6. Алимасов В. Экзистенциализмнинг “ота”си. // “Тафаккур” журналы, 2005 йил 3-сон. –Б. 92.

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРИЕМОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ТЕМЫ
«КОМПОЗИЦИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ»**

Рискулова Д.Ш.
преподаватель УзГУМЯ

Филологическое образование в вузе – это самый сложный комплекс идей и проблем, вызывающих горячие споры среди специалистов. В их числе – проблемы преподавания литературы и литературоведческих дисциплин, в частности, «Основ литературоведения», знания которых помогают студенту осмыслить, понять и художественное произведение, и человека, и явления самой жизни. Практика преподавания нередко убеждает, что современные студенты плохо знакомы с художественной литературой, мало читают, ограничиваются «кратким содержанием текста» из интернета. Что касается теоретических дисциплин, вопрос еще острее. «Основы литературоведения», «Теория литературы» для современного студента – предметы зачастую сложные и не очень интересные. В результате – общество получает малограмотного специалиста,

плохо владеющего речью, плоско мыслящего, эстетически и эмоционально не подготовленного.

Что нужно изменить в методике преподавания, чтобы занятия и по литературе, и по литературоведческим дисциплинам стали для студентов интересными, продуктивными, временем самовыражения, поиском ответов на волнующие вопросы? Для этого необходимо внедрять в образовательный процесс различные инновационные методы. Тщательное овладение теорией предполагает эффективное внедрение инновационных методов в учебный образовательный процесс.

При изучении теоретической темы «Композиция художественного произведения», прежде всего, необходимо структурировать теоретический материал, разбив его на небольшие, тщательно

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРИИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ЯНГИ ИИИОВАЦИОИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИИГ РОЛИ	
Turobov J.R. Linguodidactics and main learning categories of language education....	3
Askarova M.A. Arab tilini o'qitishda qur'oni karim bilan pedagogik texnologiyalarning uyg'unligi	6
Muhitdinov D.T. The use of songs in teaching English.....	8
Najmiddinova X. Internet tizimining yoshlar dunyoqarashiga ta'siri	12
Yusupova N. The involvement of teacher's: inviting students to speak.....	14
Абдуллаева С.Я. Таълимда инновацияларни қўллаш самарадорлиги.....	19
Абдураимова Ш.М. Применение ролевой игры как активного метода обучения иностранным языкам.....	21
Гайбуллаева З. Вероятные методы изучения иностранных языков за короткий срок.....	24
Гафурова С.О. Роль интерактивных технологий обучения иностранному языку в современном образовании.....	26
Ачилова З.П. Ўзбекистонда чет тилини ўқитишда янги педагогик ва информацион технологияларни қўллаш.....	28
Тождидинова И.П. Тинглаб тушуниш компетенцияларида содир бўладиган қийинчилик турлари ва уларни енгиб ўтиш йўллари.....	30
Mamatova D.M. O'zbek talabalarining xitoy tili miqdor to'ldiruvchisini o'rganishini tadqiq qilish.....	32
Makhamadjanova N.R. The role of modern educational technologies in the methodology of teaching foreign languages.....	35
Абдуллаева Д., Цай С. Роль новых инновационных педагогических технологий в методике преподавания иностранных языков.....	37
Олтиев Т.Ж. Чет тилларни ўқитишда нутқ маданияти ва одоби.....	39
Тождидинова И.П. Хорижий тилларни ўқитиш методикасида янги инновацион педагогик технологияларнинг роли	41
Tukhtaeva K.D. Using authentic reading materials in efl classes.....	43
Атаджаинова Ш.А. Чет тилларни ўқитиш методикасида янги инновацион педагогик технологияларнинг роли.....	45
Urishev A. Designing materials for english language learners and applying them in practice by using free lms (learning management system).....	48
Urishev A. Designing a syllabus and materials to encourage effective communication in class and avoiding traditional syllabuses.....	51
Kholmatov A. Incorporating humour in teaching english as an innovative method: at which level of language command it is suggested to use humour in class.....	53
Юнусова С.А. Университетларда француз тилини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	56
АДАБИЁТШУИОСЛИКИИГ ДОЛЗАР Б МУАММОЛАРИ	
Ochilov E. Badiiy adabiyotda animalistika janri	58
Абдуллаева Б.К. Поэзия и проза в народных дастанах.....	60
Асадов М.Т. Альбер Камюнинг сизиф образида абсурд хиссининг бадий талкени.....	63
Рискулова Д.Ш. Использование инновационных приемов при изучении темы «композиция художественного произведения».....	65
Rouzmetov Kh. La periodisation de l'oeuvre de marguerite yourcenar.....	68
Умаров Х.Л. Роман воспитания в творчестве теккерея 1850-х годов.....	71

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари унiversитети

© ЎзДЖТУ. 2020

“РОМАН ВА GERMAN TILSHUNOSLIGINIING DOLZARF MASALALARI”

MAVZUSIDA RESPUBLIKA ILMIIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI
TÛPLAMI

Muharrir: Sotvoldiyeva Sanobar

Texnik muharrir: Abduvaqqosova Dilafruz

Musahhih: Очилова Шахноза

Sahifalovchi: Айнар Нуриμβетов

Босишга рухсат этилди: 25.26.2020. Шартли босма табоғи: 40.

Бичими 210X290. Адади: 200. Буюртма №19.

“KONDOR” bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent shahar, Chilonzor tumani, Kichik xalqa yo’li, 21-109^A uy.